# *eStat4.0* статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг онлайн тизимидан фойдаланиш учун ҚЎЛЛАНМА

## Тизимга кириш

*eStat4.0 статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг онлайн тизими (кейинги ўринларда “тизим”)га кириш* [my.stat.uz](my.stat.uz) манзил бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Интерактив хизматлар порталига кириш орқали амалга оширилади. Порталнинг чап панелида жойлашган ҳавола орқали ташкилот ўз “шахсий кабинет”ига кириш учун авторизация ойнасига ўтади.



Ушбу ойнада фойдаланувчи компютерида мавжуд ЭРИ калитлари рўйхати шаклланади ва улардан кераклисини танлаб “Войти” тугмаси босилади.




ЭРИ калитининг хос рақами (пароли) киритилиб “ОК” тугмаси босилганда тизимга кириш тўлиқ бажарилади.



# Ҳисобот яратиш, маълумотларни киритиш ва юбориш

## Ҳисобот яратиш.

Тизимга кириш амалга оширилгандан сўнг фойдаланувчи интерфейсининг чап панелидан керакли соҳа танланади. Ҳисоботлар рўйхатидан керакли ҳисобот турининг қаршисидаги “Юбориш” (Амалиёт устуни) ҳаволаси орқали янги ҳисобот яратилади.



**Ҳисобот маълумотларини киритиш (тўлдириш).**

Ҳисоботнинг бўлимлари алоҳида саҳифаларда жойлашган бўлиб, ҳар бир бўлим алоҳида тўлдирилади ва жадвал остидаги “Сақлаш” тугмаси ёрдамида сақланади. Кўрсаткичлар катакларда киритилади ва катакдан катакга ўтиш сичқонча ёки “tab” клавиши ёрдамида амалга оширилади.

Қатъий мантиқий назорат хатоликлари ойнанинг пастки-ўнг бурчагида қизил рангда намоён бўлади.

Ноқатъий мантиқий назорат хатоликлари ойнанинг пастки-чап бурчагида сариқ рангда намоён бўлади.



**Ҳисобот юбориш.**

Талаб этилган кўрсаткичлар киритилгандан сўнг “Якуний қисм”да “Юбориш” тугмаси босилади.

Агарда қатъий мантиқий назорат хатоликлари тўлиқ бартараф этилмаган бўлса, ойнанинг пастки-ўнг бурчагида қизил рангда хатолик намоён бўлади ва ушбу хатоликни бартараф этиш талаб этилади.

Агарда ноқатъий мантиқий назорат хатоликлари мавжуд бўлса, ойнанинг пастки-чап бурчагида сариқ рангда хатолик намоён бўлади ва ушбу хатоликни бартараф этиш ёки ушбу ҳолат сабаби “Изоҳлар” майдонига киритилиши талаб этилади.

Шундан сўнг яна “Юбориш” тугмасини босиш орқали ҳисобот юбориш тўлиқ амалга ошади.

